

Қ А Р О Р

2026 йил март ойининг 17 куни жиноят ишлари бўйича Тупроққалъа туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик этувчи шу суднинг раиси И.Исмаилов, судья ёрдамчиси М.Ражабовнинг котиблигида, тарафлардан Тупроққалъа туман прокурори катта ёрдамчиси С.Бахтияров, Тупроққалъа тумани ИИБ ХПБ ТП ПКИ капитан Н.Ж.Рўзметов, фуқаро З.Буязовнинг иштирокида, Тупроққалъа туман ИИБнинг Буязов Зоҳид Шехназаровичга нисбатан сурункали алкоғолизм касаллигидан мажбурий тартибда даволаш ҳақидаги тақдимномаси юзасидан 1-3-2213-2601/23-сонли иш материали кўриб чиқилди. Иш материалларига кўра:

Буязов Зоҳид Шехназарович, 1984 йил 5 январь куни Ҳазорасп туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, ишсиз, Тупроққалъа тумани, “Муҳаббат” маҳалласида яшайди.

Суд, иш юзасидан тўпланган ҳужжатларни кўздан кечириб, куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Тупроққалъа тумани ИИБ бошлиғи тақдимномасида, фуқаро Буязов Зоҳид Шехназарович мунтазам равишда спиртли ичимликни истеъмол қилиб, вилоят нарқология диспансерида сурункали алкоғолизм ташҳиси билан ҳисобда туришини, сурункали равишда спиртли ичимлик истеъмол қилиб, оиласи билан жанжаллашиб келаётганлигини, бу ҳақда Тупроққалъа туман ИИБ ЖХХ ХПБ ПИ капитан Н.Ж.Рўзметовнинг Тупроққалъа тумани ИИБ бошлиғи номига билдирги билан мурожаат қилганлигини кўрсатиб, уни мажбурий тартибда даволантиришга юборишни сўраган.

Тупроққалъа туман ИИБ ЖХХ ХПБ ПИ капитан Н.Ж.Рўзметов Тупроққалъа туман ИИБ бошлиғи номига билдирги билан мурожаат қилганида, З.Буязовни мунтазам равишда спиртли ичимлик истеъмол қилиб, атрофидагиларнинг хавфсизлигига ва жамоат тартибига таҳдид солаётганлиги сабабли уни вилоят нарқология диспансерининг мажбурий даволаш бўлимида даволашга юбориш тўғрисида материал расмийлаштиришга руҳсат беришни сўраган.

Тупроққалъа туман ИИБ ЖХХ ХПБ ПИ капитан Н.Ж.Рўзметов судда, фуқаро З.Буязовни ҳар доим спиртли ичимлик истеъмол қилиб юрганлигини, мунтазам равишда спиртли ичимлик истеъмол қилишни давом қилдирса уни мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилганлигини, бир неча марта спиртли ичимлик истемол қилиб ҳуқуқбузарлик содир қилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 187-моддаси 2-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилганлигини, мунтазам равишда спиртли ичимлик истеъмол қилиб, атрофидагиларнинг



хавфсизлигига ва жамоат тартибига таҳдид солаётганлиги сабабли Тупроққалъа туман ИИБ бошлиғи номига билдирги билан мурожаат қилганлигини, наркология комиссиясининг хулосасига асосан З.Буязовни сурункали алкоғолизм касаллигига қарши мажбурий тартибда даволантириш лозимлигини инобатга олиб, мажбурий тартибда даволантириш тўғрисидаги тақдимномани қаноатлантириб беришни сўради.

Суд, Тупроққалъа туман прокурори катта ёрдамчиси С.Бахтияровнинг тақдимномани қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини муҳокама қилиб, Тупроққалъа туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасини қаноатлантиришни лозим топади.

Чунки, наркология диспансерининг хулосасида, З.Буязов ҳозирги кунда вилоят наркология диспансерида сурункали равишда спиртли ичимлик истеъмол қилувчи шахс сифатида ҳисобда туришини, унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш чораларини қўллаш лозимлиги кўрсатилган.

Юқоридагиларга асосан суд, З.Буязовга нисбатан даволаниб соғайгунга қадар мажбурий тартибда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларни қўллашни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг “Наркалогик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги Қонунининг 25,27,29-моддасини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Тупроққалъа тумани бўйича ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Буязов Зоҳид Шехназаровичга нисбатан соғайгунига қадар тиббий йўсиндаги мажбурий тартибда даволаш чораси қўлланилсин.

Буязов Зоҳид Шехназаровични даволаш вилоят наркология диспансерининг махсус мажбурий даволаниш бўлимига юклатилсин.

Қарорни ижро қилиш Тупроққалъа туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Қарордан норози тараф қарор нусхасини олган кундан бошлаб, етмиш икки соат муддат ичида шу суд орқали Хоразм вилоят судига апелляция тартибида шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

И.Исмаилов

